

Бозорова Л.А.

Давлат Солиқ қўмитаси

Солиқ академияси тадқиқотчиси

БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХУДУДЛАР СОЛИҚ САЛОҲИЯТИНИ ОШИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Республикамизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири солиқ сиёсатини эркинлаштиришдир. Давлатимиз раҳбарининг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга бағишланган маърузаларининг барчасида¹ солиқ салоҳиятини ошириш асосида давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлаш масалалари муҳим вазифалардан бири сифатида белгилаб келинаётганлиги бунинг яққол далилидир.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаб ўтганларидек: “2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000-йилга нисбатан эса қарийиб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди”.² “2012-йилнинг асосий йўналишлари ҳақида гапирганда, жорий йилда Ўзбекистон иқтисодиёти ва унинг етакчи тармоқларини ривожлантиришнинг кўрсаткичлари аввало юқори ва изчил ўсиш суръатларини сақлаш,

макроиқтисодий барқарорликни янада мустаҳкамлашга қаратилганини таъкидлаш лозим”.³

Юқорида келтирилиб ўтилган 2012 йилнинг устувор вазифалардан келиб чиққан ҳолда шуни айтишимиз мумкинки, ҳудудлар солиқ салоҳиятини ошириш давлат бюджети даромадлари барқарорлигини таъминлашнинг асосий омиллардан биридир. Шунинг учун ҳудудий солиқларнинг ўз вақтида маҳаллий бюджетга келиб тушиши ва ундирилишида мавжуд муаммоларни аниқлаш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш муҳим аҳамият касб этади

Мамлакатимизда давлат бюджетининг, айниқса маҳаллий бюджет даромадлари барқарорлигини таъминлашда ҳудудлар солиқ салоҳиятини ошириш муҳим аҳамиятга эгадир. Умуман олганда, ҳудуд солиқ потенциали деганда, солиқ қонунчилигининг амал қилиши шароитида таҳлил этилаётган даврдаги солиқ, бож тўловларининг эҳтимол қилинадиган максимал суммаси, шунингдек солиқ ва божхона органларининг назорат ишлари


1 Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2004. – Б. 6; 16; Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2005. – Б. 88-90; Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2006. – Б. 6-7; Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2007. – Б. 15-16.

2 И.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т. “Ўзбекистон”: 2012.

3 Каримов И.А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т. “Ўзбекистон”: 2012.

1-расм.

Худуд солиқ потенциалига таъсир этувчи омиллар



натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солиқ тўловлари суммалари, яъни бу ҳақиқий йиғилган солиқлар миқдори билан бюджет даромадларини потенциал тўпланишининг қобиляти ўртасидаги фарқдир.

Солиқ потенциали иқтисодий тузилма ва унинг солиққа тортиладиган, солиқ базалари орқали аниқланадиган ресурслар билан таъминланганлиги билан характерланади ҳамда маҳаллий бюджетлар даромад қисми базасининг шаклланишига таъсир қилади.

Худуд солиқ базасини баҳолашда худуднинг худудий мулки даромадлиги ва бюджет самарадорлиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма сифати ҳамда худуд тармоқларининг технологик янгилашдаги эҳтиёжи, транспорт таъминоти кабиларни ҳисобга олиш лозим.

Шунингдек, солиққа тортиладиган базага жиддий таъсир кўрсатувчи бир қатор омилларни ҳам ҳисобга олиш керак. Булар: иқтисодиётдаги тўловсизликлар, иш ҳақи бўйича қарздорлик ва бошқалар. Асосий солиқ тўловчиларнинг солиқ базасининг ўзгаришига, уларнинг молиявий аҳволига, ҳисоб-китоблар шаклларига таъсири албатта таҳлил этилиши лозим.

1-расмда схематик тарзда худуднинг солиқ потенциалига таъсир қилувчи асосий ички ва ташқи омиллар акс эттирилган.

Келтирилган кўрсаткичлар худуднинг иқтисодий, молиявий ва солиқ потенциалини ҳисоблаш учун ахборот базасининг асосини ташкил этиши лозим. Ушбу ахборот базаси худуднинг иқтисодий ўсиши ва шунга мос ҳолда маҳаллий бюджетларга солиқ тушумлари ҳажмининг ўсиш имкониятларини аниқлашга шароит яратади. Бу маҳаллий бюджетларни шакллантириш учун муҳим. Чунки уларда худудларнинг юқори бюджетдан оладиган молиявий ёрдамлари, субвенциялар, дотацияларга эҳтиёжи реал акс эттирилади.

Солиқ потенциалини баҳолаш ёрдамида солиқ даромадларини режалаштириш маҳаллий давлат бошқаруви органларига қуйидаги қўшимча устунликларни бериши мумкин:

- замонавий моделлар асосида худуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини ўрта ва узоқ истиқболли прогностлаш имконияти;

- солиқ солиш базасини ошириш учун ва маҳаллий бюджетларга солиқларга боғлиқ бўлмаган қўшимча даромад манбаларини таъминлаш мақсадида давлат мулкидан самарали фойдаланиш учун

бозор инфратузилмасини ривожлантиришни рағбатлантиришда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг манфаатдорлигини ошириш (масалан, биноларни ижарага бериш, реклама хизматлари ва ҳоказолар);

- маҳаллий ҳокимият органларининг солиқлар бўйича қарздорликни қисқартиришдан манфаатдорлигини ошириш, чунки солиқлар йиғилишининг пасайиши юқори турувчи бюджетдан молиявий тушумларни ошириш билан қопланмайди;

- рўйхатга олинмаган молиявий-хўжалик фаолияти субъектларини аниқлаш, ҳисобга қўйилмаган солиққа тортиш объектларини аниқлаш орқали мавжуд солиқ базасидан тўлиқ фойдаланишдан манфаатдорликни ошириш ва қўшимча солиқ даромадларини олиш;

- аниқланган ҳисобга олинмаган объектлар ва рўйхатга олинмаган хўжалик субъектлари бўйича оператив чоралар қўриш ва маҳаллий бюджетларга барқарор солиқ тушумларини таъминлаш мумкинлиги;

- янги ахборот технологияларини жорий этиш, технологик жараёнларни олиб боришнинг замонавий тизимлари ва оператив бошқарув воситалари билан жиҳозлаш, харажатларни оптималлаштириш ҳамда молиявий ва солиқ органларининг ресурс таъминотини ривожлантиришдан манфаатдорликни ошириш.

Худудни янада иқтисодий ривожлантириш мақсадларига эришиш учун барча мавжуд ресурсларни сафарбар этиш зарур, чунки худуднинг оптимал солиқ потенциали – бу иқтисодий ўсиш суръатлари билан ижтимоий дастурларнинг бажарилиши ўртасида оптимал нисбатни таъминлашни назарда тутувчи солиққа оид самарали саъй-ҳаракатлар ҳисобга олинган потенциалдир.

Ҳозирги вақтда маҳаллий бюджетнинг молиявий имкониятлари индекс-дефляторларни тўғрилаш билан, яъни худуднинг даромад имкониятларини ҳисобга олмасдан асосий даврда йиғилган солиқ тушумлари тўғрисида маълумотлар асосида башорат қилинади. Бу каби ёндашувда ўз-ўзини идора қилувчи тузилмалар

солиқлар йиғилишини оширишдан эмас, балки бошқа даражадаги бюджетларнинг қўшимча бюджет воситаларини оширишдан манфаатдор бўлишади. Шунинг учун маҳаллий бюджет даромадларини башоратлаш мукамалликни талаб этади.

Солиқ салоҳияти ва солиқларнинг йиғим кўрсаткичлари бюджет солиқ башорати ва режалаштиришининг энг муҳим асосий воситаси бўлиши зарур. Бунинг учун қуйидаги омиллар ҳисобга олинса мақсадга мувофиқ бўлар эди:

- ўз-ўзини идора қилувчи тузилмаларнинг тармоқ тузилиши ва иқтисодий ривожланиш даражаси (иқтисодий имкониятлар);

- давлат солиқ сиёсати;

- ўз-ўзини идора қилувчи тузилмалар иқтисодий фаоллиги умумий ўсишининг ўзига хослигини кўрсатувчи корхоналар рентабеллиги ўртача даражаси ва рентабелли корхоналарнинг солиштирма (ажратилган) салмоғи, улуши;

- солиқлар йиғиш бўйича маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари ва солиқ идоралари томонидан белгиланган чоратадбирлар.

Юқорида кўрсатилган солиқ тушумларининг ҳақиқий кўрсаткичларига асосланган ҳудуд солиқ потенциалини ва уни баҳолашни молия органлари ҳисоботи орқали молия йилининг тегишли даври бўйича аниқлаш мумкин.

Мазкур услуб ҳудуд иқтисодий сиёсат устунлигига ва ўзига хос хусусиятига мувофиқ ўз-ўзини бошқариш тузилмалари солиқ тушумларини аниқлаш билан биргаликда молиявий, солиқ ва иқтисодий вазифалар томонидан амалга ошириладиган бюджет режалаштириш мувофиқлигини таъминлашга имкон беради.

Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки, иқтисодий юксалиш ва молиявий барқарорлик талабларига жавоб берадиган солиқ тизимини яратишда солиқ ислохотини амалга ошириш натижасида солиқ юкини мумкин қадар паст даражада бўлишига эришиш муҳим роль ўйнайди. Аммо шу билан бир қаторда, солиқларнинг фискал аҳамиятини оширишда тадбиркорлик субъектлари тўлайдиган солиқлар муҳим аҳамият касб эта-

ди. Тадбиркорлик субъектлари томонидан тўланадиган солиқ тушумлари бюджет даромадини таъминлашнинг асосий манбаи ҳисобланганлиги сабабли давлат олдида турган вазифаларни ҳал этишда катта аҳамиятга эга. Бугунги кунга қадар мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун етарли даражада имтиёзлар, преференциялар ва қулай имкониятлар яратилган бўлсада, аммо уларга янада қулайликлар яратиш орқали ушбу ишлар амалга оширилса, келажакда давлат сиёсатини амалга оширишда бюджет даромадларида солиқ тушумлари ошиши учун зарурий омил бўлиб ҳисобланади.

Юқорида келтирилган таклиф ва тавсиялар асосида солиқ тушумларини солиқ салоҳияти кўрсаткичлари ёрдамида аниқлаш қуйидаги афзалликларни беради: солиқ қарздорлигини қисқартиришда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш ташкилотлари манфаатдорлиги ошади, чунки солиқ йиғимининг пасайиши юқори даражада турувчи бюджетдан молиявий ёрдам ҳажмининг кўпайиши ҳисобига қопланмайди; рўйхатга олинмаган солиқ тўловчиларни аниқлаш асосланмаган солиқ имтиёзларини беришни инкор этишга олиб келади ва солиқ асосини ишлатишдан манфаатдорлик ошади.

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2004.

Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2005.

Каримов И.А. Эришилган ютуқларни мустаҳкамлаб, янги марралар сари изчил ҳаракат қилишимиз лозим. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2006.

Каримов И.А. Демократик ҳуқуқий давлат, эркин иқтисодиёт талабларини тўлиқ жорий этиш, фуқаролик жамияти асосларини қуриш – фаровон ҳаётимиз гаровидир. – Тошкент: "Ўзбекистон", 2007.

И.Каримов. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. Т."Ўзбекистон", 2012.

Хомма А., А.Тангирқулов, Ш.Тошматов, И.Норқўзиев ва Н.Розиқовлар. Солиқ қарзи ва уни ундириш. Ўқув қўлланма. - Тошкент, Солиқ академияси, 2010. - 114-Б.

Жўраев А., Тошматов Ш. ва бошқ. Солиқлар ва солиққа тортиш: Ўқув қўлланма.-Т.: "НОРМА", 2009.-184 б.